

**"Ўзбекистон почтаси" АЖ  
Наманган филиали:**

## ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўлами алоҳида эътиборга молик бўлиб, бунда давлатимиз томонидан алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга қўйилаётган талаблар соҳадаги корхона ва ташкилотлар зиммасига белгиланган вазифаларни тўлақонли бажариш масъулиятини юклайди. Бу борада олиб борилаётган ишлар самарасини "Ўзбекистон почтаси" АЖ Наманган филиалининг 2014 йилдаги фаолияти мисолида кўришимиз мумкин.

12-бет



Сўнги янгилик!

Google корпорацияси болалар учун мўлжалланган YouTube Kids иловасини чиқарди.

Ҳозирча инглиз тилида ишловчи бу илова оддий дизайни, катталаштирилган скриншот ва навигация тугмаларига эгаллиги билан ажралиб туради.

YouTube Kids учун контент таълимий ва кўнгилочар видеодан иборат бўлиб, "Телешоу", "Муסיқа", "Таълим" ва "Тадқиқотлар" рункларидан жойлаштирилган.



УШБУ СОНДА:

- Ташкилий ўзгаришлар ва янгиланишлар **3**
- "Ўчмайдиган" вирус **4**
- Ањъанавийликдан замонавий методларга **5**
- Справки в электронной форме **6**
- Интеллектуал мулк ва ҳимоя **11**
- Садоқат ва вафо тимсоли **16**

## Jumadan Jumagacha

● Президентимиз Ислам Каримов раислигида 24 феврал куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ўтган йили Жамғарма томонидан амалга оширилган ишлар, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари хусусида атрофлича фикр юритди. Йиғилишда 2015 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўриб чиқилди. Спорт объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармони ҳамда "2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ҳамда кўмиталарнинг мажлислари бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар Дастурининг лойиҳасини муҳокама этдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Андижон сайлов округи ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий билимини янада бойитишга бағишланган семинар ўтказилди.

● Нукусда "Нима қилдик Ватан учун?" шиори остида ижодий фестивал бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон" эстрада бirlашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маданият ва санъат номояндалари, талаба-ёшлар иштирок этди.

# БОСМА ОАВНИ ТАРҚАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2015 йилнинг 25 феврал куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида даврий босма оммавий ахборот воситаларини тарқатишни ташкил қилиш бўйича юзага келаётган муаммоларга бағишланган махсус йиғилиш бўлиб ўтди.

Селектор тарзида ўтган тадбир республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, унда "Ўзбекистон почтаси" АЖ, "Матбуот тарқатувчи" АК раҳбарлари, шунингдек "Халқ сўзи", "Правда Востока", "Миллий тикланиш", "Қишлоқ ҳаёти", "Маҳалла", "Маърифат", "Ўзбекистон овози", "Туркистон" газеталарининг бош муҳаррирлари, масъул вакиллари иштирок этдилар.

Жорий йилнинг 17 феврал куни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан даврий матбуот нашрларининг обунасини ташкил этишда юзага келаётган муаммолар тўғрисидаги "Мажбурий обуна" номи қўрсатув эфирга узатилган эди. Шу муносабат билан йиғилишда бу йўналиш бўйича тизимдаги вазият сичиклаб таҳлил қилинди.

Даврий матбуот нашрларини тарқатишга оид қонунчиликка мувофиқ босма ОАВни тарқатиш бевосита таҳририят томонидан, шу билан бирга, юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома тузилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда даврий матбуот нашрларига обунани ташкил қилиш ва уларни етказиб бериш билан шуғулланувчи 60дан зиёд йирик ва кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият қўрсатмоқда. Улардан иккита йирик муассаса — "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АК Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимига қиради.

Ҳукумат қарорларида "Матбуот тарқатувчи" АКга мамлакат аҳолисининг даврий матбуот нашрларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, "Ўзбекистон почтаси" АЖ билан биргаликда унинг алоқа бўлинмалари тармоқлари ёрдамида нашрларнинг истеъмолчилар қўлига ўз вақтида етказиб берилишини ташкил қилиш вазифалари белгилаб берилган.

"Матбуот тарқатувчи" АК мамлакатимиз ҳудудидаги энг йирик чакана савдо тармоғига эга компания ҳисобланади. Компаниянинг

аҳолига хизмат қўрсатувчи 1100дан ортиқ "Матбуот" дўконларида 1000 номдан зиёд даврий нашрлар соҳуви йўлга қўйилган.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳамда унинг таркибий бўлинмалари тузилган шартномага мувофиқ, обуна қилиш ҳамда чакана савдо орқали даврий нашрларни тарқатиш. Кенг тармоқли почта бўлинмалари нашрларнинг юртимизнинг энг олис ва бориш қийин бўлган аҳоли масканларига тезкор етиб боришини таъминлайди. Мазкур тизимда даврий нашрларни етказиш билан 6,5 мингдан зиёд, хусусан, қишлоқ жойларида тўрт мингдан кўпроқ почтачи шуғулланади. Матбуот маҳсулотларини тезкор етказиб бериш жараёнини тўғри ташкил қилиш газета ва журналларнинг ўқувчилар қўлига ўз вақтида етказилишининг муҳим босқичидир. Тошкент шаҳрида чоп қилинувчи матбуот нашрларининг аксарият қисмини республика ҳудудлари марказларига етказиб берилишини таъминлаш "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг "Халқаро почта" филиали томонидан амалга оширилади. Газета ва журнал, даврий матбуот нашрларини белгиланган жойга ўз вақтида етказиб беришда йўл ва ҳаво транспорти воситаларидан фойдаланилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги "Ўзбекистон матбуоти ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 274-қарорига мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон матбуоти ва ахборот агентлиги тўғрисидаги низомга кўра, Агентлик даврий нашрларни тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Йиғилишда "Ўзбекистон почтаси" АЖ бош директори Р.Қосимов ҳамда "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажбидинов маъруза қилди. Улар даврий нашрларни тарқатишни ташкил қилишининг асосий тамойиллари, етказиб бериш тарифларини

шакллантириш, обуна хизматлари учун қўйиладиган нархлар юзасидан маълумот бериб, матбаа маҳсулотларини етказиб беришда юзага келаётган муаммоларнинг сабабларига тўхталишди.

Йиғилишда "Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳамда "Матбуот тарқатувчи" АК раҳбариятига қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилди:

- аҳолига хизмат қўрсатиш сифатига таъсир қўрсатаётган омилларни бартараф қилиш, юқори сифатли хизмат қўрсатишни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирларни қўриш;

- "Ўзбекистон почтаси" АЖ, "Матбуот тарқатувчи" АК ҳамда босма ОАВ таҳририятлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро тезкор ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш;

- "Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳамда "Матбуот тарқатувчи" АК ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш чораларини қўриш;

- "Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳамда "Матбуот тарқатувчи" АК, шунингдек, таҳририятлар ўртасида тузилган шартномаларни қонунчиликда кўзда тутилган шартнома муносабатларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш;

- даврий нашрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш юзасидан маркетинг юритиш ва мониторинг қилиш;

- аҳоли орасида обуна кампанияларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиш, даврий нашрларни етказиб беришдаги камчиликлар юзасидан истеъмолчилар шикоятларига тезкор муносабат билдирадиган хизмат ташкил қилиш;

- даврий нашрларнинг ўз вақтида етказилишини назорат қилишни такомиллаштириш.

Шу билан бирга, босма ОАВни, матбаа маҳсулотларини ёши улуғ инсонларга тезкор етказиб беришни такомиллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда қўрилган масалалар муҳокамаси, таклиф ва тавсиялар юзасидан йиғилиш қарори қабул қилинди.

Вазирлик ахборот хизмати

## Бухоро ва Қўқонда IPTV CDN қурилмалари ўрнатилди

Бугунги кунда "Ўзбектелеком" АК томонидан республикамиз аҳолисиغا TELECOM TV савдо белгиси остида IPTV — интерактив телевидение хизмати тақдим этилмоқда. Мазкур хизмат фойдаланувчиларга 61та SD (standard definition) форматдаги телеканаллардан баҳраманд бўлиш имкониятини беради ва бир қатор қўшимча хизматларни тақдим этади.

IPTV платформасини кенгайтириш, фойдаланувчиларга сифатли хизматлар тақдим этиш ва

қўшимча хизмат турлари сонини ошириш мақсадида Бухоро ва Қўқон шаҳарларида IPTV сервислар платформасида қўшимча CDN (content distribution network) қурилмалари ўрнатилди.

CDN қурилмаси фойдаланувчиларга контентларни етказиб беришни оптималлаштириш имконини беради, шунингдек, аудио, видео, дастурий таъминотлар ва бошқа турдаги рақамли контентни юклар олиш тезлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2006 йил 26 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори кутубхоначилик соҳаси тараққиётида туб ўзгаришларга янада кенг йўл очди. Аввало, кутубхона деб номланган маънавий-маърифий муассасаларнинг аксарияти энди ахборот-кутубхона маркази ва ахборот-ресурс маркази деб юритиладиган бўлди. Қолаверса, 2011 йил 13 апрелдаги "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида "фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, миллий маданиятни тиклашга ва янада ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини сақлаш" ахборот-кутубхоналар фаолиятининг асосий вазибалари қилиб белгиланган.

Ҳўш, бундай жиддий ташкилий ўзгаришлардан кейин кутубхоналар фаолиятида қандай янгиланишлар юз берди? Республика ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган тизимдаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахборот-кутубхона марказлари директорлари кенгаши мажлисида АКМлар фаолиятининг 2014 йил якунлари таҳлилида ушбу савол атрофида фикр юритилди. Унда Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Абдуазизов ўтган йил мобайнида бажарилган ишлар хусусида ҳисобот берди.

Ҳисоботда айтилишича, якунланган йили Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 15 декабрдаги 274-фармойиши ижроси юзасидан республикаимиздаги АКМлар томонидан талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, марказлар фонди 34490 нусхага кўпайиб, умумий фонди 2014 йил давомида 4806384 нусхани ташкил этди. Эскирган, яроқсиз ва йўқолган 65000 нусха нашрлар ҳисобдан чиқарилди. Китобхонларнинг жами сони 367487 минг кишидан иборат бўлди. Ўтган йили АКМларга 2022814 мараба қатнов бўлиб, уларга 5197775 нусха китоб берилди. Ҳисобот даврида 24549 китобхон интернет ва Ziyonet ахборот тармоқлари орқали 187151 маълумотдан фойдаланди. Электрон ҳужжатлардан фойдаланиш ҳажми эса 35Г6,749Мбни ташкил этди. Автоматлаштиришни жорий этиш бўйича электрон ресурсларни яратиш, жумладан, электрон каталогни тўлдириш ишлари давом этмоқда. АКМлар томонидан 2014 йил мобайнида электрон каталогларга 224018 библиографик ёзув киритилди.

"Соғлом бола йили Давлат дастури" ижроси доирасида жами 324та тадбир — давра суҳбатлари, кўргазмалар, экскурсиялар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ўтказилди, тадбирларда жами 813795 иштирокчи қатнашди. Коллежларда, маҳаллаларда кўчма кутубхоналар ташкил этилиб, фуқаролар 12326 нусха китоб ва журналлар билан таништирилди. АКМларда аҳолига пулли ахборот-кутубхона хизматлари ҳам кўрсатиб келин-

### Мавзу доирасида

■ Йил давомида фуқароларнинг мувожазлари бўйича қўлайликлар яратиш мақсадида онлайн-мувожазлар тизимини веб-сайтларга жойлаштириш йўлга қўйилди.

■ 2014 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Йилнинг энг яхши мутахассиси" кўриктанови ўтказилди. Танловнинг сўнгги босқичида 1-ўрин Наманган вилояти, 2-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси, 3-ўрин Фарғона вилояти жамоасига насиб этди.

## ТАШКИЛИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР



РАКМ директори А.Абдуазизов ТАТУнинг кутубхоначилик соҳаси битирувчиларига маҳорат дарси ўтмоқда.

моқда. 2014 йил мобайнида фойдаланувчиларга кўрсатилган пулли хизматдан тушган маблағ 28245511 сўмни ташкил этди.

АКМ фойдаланувчилари тайёр электрон ресурс сифатида Президент асарларининг кўп жилдлик электрон нашридан фойдаланиб келмоқда. Мутахассислар томонидан ҳисобот даврида 27787 ҳужжатдан иборат ҳажми 40Г6136,3М6 бўлган тўла матнли электрон ресурслар шакллантирилди. АКМлар веб-сайтларига ўзбек, рус, инглиз тилларидаги 3Г6191М6 ҳажмдаги маълумотлар жойлаштирилди.

Йиғилишда тизимдаги мавжуд хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2014 йил бошида бўлиб ўтган директорлар кенгашида Жиззах ва Сурхондарё АКМларига бир ой муддатда ўз веб-сайтларини яратиш топширилган эди, афсуски, топшириқ хануз бажарилгани йўқ. "Билим" ва Навоий АКМларининг веб-сайтлари вақтинча ишсиз ҳолатда. Андижон, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари марказлари веб-сайтларида қидирув тизими йўқ.

Аксарият веб-сайтлар янгиланган билан мунтазам тўлдириб борилмаган ва Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятлари АКМларидан ташқари барча АКМлар веб-сайтлари интерактив хизматларга эга эмас.

Кўчма кутубхоналар ташкил этиш бўйича йил давомида фақатгина Андижон ва Наманган АКМлари ташаббускорлик кўрсатишди. Ваҳоланки, ҳар бир марказга библиобус тақдим этилган.

Шунингдек, йиғилишда 2015 йилда ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда раҳбар кадрлар захирасига киритилган номзодлар билан ишлаш; ҳудудий АКМларда навбатдаги аттестация ўтказиш учун аттестация комиссияси таркиби, саволномаларни эълон қилиб, директорлар кенгашида тасдиқлаш; аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2014 йили бажарилган ишлар якуни ва жорий йилги вазибалар ҳамда kutubxona.uz журнали фаолияти каби масалалар юзасидан ҳам мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Шу кун бачча АКМлар раҳбарлари жорий йил давомида ахборот-кутубхона фаолиятида олиб борилиши зарур бўлган масалалар юзасидан чора-тадбирлар режаси тақдим этилди. Улар, ўз навбатида, чора-тадбирларга нисбатан ўз таклифларини билдиришди.

Усмонжон Йўлдошев,  
"Xabar" мухбири

### NEC корпорацияси

вакиллари иштирокида семинар

Тошкент шаҳрида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Япониянинг NEC корпорацияси билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологиялари ривожига оид семинар ташкил этилди.

Давлат органлари ва идораларининг ахборот-коммуникация технологиялари ривожига масъул раҳбарлари, мутахассислари ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг магистрлари иштирок этган семинарда NEC корпорациясининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги янги ишланмалари тақдиротлари бўйича маърузалар тингланди.

Бугунги кунда АКТнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига жорий қилиниши, иш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти ошиб бориши масъул идоралар олдида бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштириш вазибаларини кўймоқда. Телекоммуникация, ахборот хавфсизлиги йўналишларида тақдим қилинган янги ишланмалар семинар қатнашчиларининг қизиқишларига сабаб бўлди.

Шунингдек, тақдиротлар доирасида "электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш лойиҳалари асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг идентификация тизими йўналишидаги истиқболли режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Айтиш жоизки, телекоммуникация йўналишида жаҳоннинг нуфузли муассасаларидан ҳисобланган NEC корпорацияси Ўзбекистон ва Япония ўртасида телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ўрнатилган икки томонлама алоқаларда, хусусан, юртимизда телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш, рақамли телевиденига ўтиш жараёнларида муҳим ҳамкорлардан биридир.

Вазирлик  
ахборот хизмати

Xalqaro  
hayot

**ЖЕНЕВА**да Эрон ташқи ишлар вазири Мухаммад Жавад Зариф ва АҚШ давлат котиби Жон Керрининг ядро дастури масаласидаги учрашуви якунланди. Томонлар музокаралар якуни юзасидан баёнот бермаган. Бу борада кейинроқ маълум қилиниши айтилмоқда.

**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ** 2015 йилда Туркменистон ва Озарбайжон билан ўзаро англашув меморандуми имзоланиши режалаштирмоқда, бу Европада газ етказиб бериш барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича пакетнинг бир қисми бўлиши кутилапти.

Айни дамда келажакда энергетика соҳасидаги ҳамкорликни назорат қилувчи Европа Энергетика иттифоқи учун иккита ҳужжат тайёрланмоқда. Ҳужжатга кўра, Евроиттифоқ ишлаб чиқарувчи ва транзит қилувчи давлатлар (Жазоир, Туркия, Озарбайжон, Туркменистон, Яқин Шарқ давлатлари ва бир неча Африка мамлакатлари) билан стратегик энергетик шерикликни мустаҳкамлаш учун барча ташқи сиёсий воситаларни ишга солади. Шунингдек, лойиҳа бу борада Норвегия, АҚШ ва Канада билан ҳам ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг кўзда тутди.

**ТАНЗАНИЯ** шарқидаги Накасанда қишлоғида жойлашган мактабнинг ичида 22 киши бўлган синф хонасини чақмоқ уриши оқибатида ўқитувчи ва тўрт нафар ўқувчи ҳалок бўлган, 17 нафар бола эса жароҳат олган. Маълумотларга кўра, улар бинода момоқалдирикдан яширинишга уринган.

**ЖАҲОН СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ** 2020 йилгача дунёнинг барча давлатларини бир марталик шприцлардан фойдаланишга ўтишга ва зарур бўлмаса инъекцияни қўлламасликка чақирмоқда. Ташкилот экспертларининг таъкидлашича, битта шприцнинг бир неча бор ишлатилиши хавфли касалликлар, жумладан, С гепатити ва ОИТВ юқишига сабаб бўлади. Дунёда ҳар йили 16 миллиард инъекция ишлаб чиқарилади. Шунинг 5 фоизи эмлаш, яна беш фоизи қон қуйиш ва инъекцион контрацептивларни киритишда ишлатилади.

**БУЮК БРИТАНИЯ** Украинада тўқнашувлар оқибатида жабр кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун қўшимча равишда 15 миллион фунт стерлинг (қарийб 23 миллион доллар) маблағ ажратмоқчи. Маълум бўлишича, БМТ Киевга Украинадаги гуманитар вазиятни яхшилаш борасида 316 миллион долларни ташкил этувчи режани тақдим этган.



## ЧЕКИНИШ

Яқинда ўтказилган матбуот анжуманида Sony корпорацияси раҳбари Кадзуо Хираи компаниянинг телевизорлар ва мобил телефонлар ишлаб чиқариш саноатини тарқ этиши эҳтимоли борлигини билдирди. Раҳбарнинг гапида жон борга ўхшайди, негаки, ҳар икки соҳада компания кучли рақобатга дош бера олмапти. Биргина смартфонлар ишлаб чиқаришни олайлик: бир томондан Осиёнинг арзон қурилмалари, яна бир томондан эса Apple ва Samsung сингари улкан компаниялар босими кучаймоқда.

Sony бундан буён камералар учун сенсорлар, видеоўйинлар сингари сердаромад йўналишларини ривожлантиришда давом этади.


## ЧОРАК АСР АДОҒИ

Тасвирларни тахирлаш дастури — Adobe Photoshop чиқарилганига 25 йил тўлди. Эътирофга сазовор жиҳати, ўтган даврда дастур миллионлаб фойдаланувчилар орттириб, Adobe компаниясининг юзига айланди.

Photoshop тарихи 1987 йили ака-ука Томас ва Жон Нолл Apple Macintosh компьютерлари учун Display дастурини яратишидан бошланган. Тўғри, бу дастурнинг имкониятлари ҳозиргисининг мингдан бирича ҳам бўлмаган, шунга қарамасдан, дастур Adobe компаниясини қизиқтириб қолди ва уни сотиб олиб, 1990 йили янгича қиёфада Adobe Photoshop 1.0. номи остида чиқарди.



Бугунги кунгача мазкур фотомухаррир 15 мартаба тўлақонли янгиланиб, рақамли тасвирлар билан ишловчи энг яхши компьютер иловасига айланди.



## "ЁРУҒЛИК ТЭЗЛИГИ"

Ахборот технологиялари соҳасида кейинги йилларда катта ўсиш кузатилаётган йўналишлардан бири, шубҳасиз, симсиз маълумот узатишдир. Бу борада изланаётган Оксфорд университети олимлари симсиз маълумот узатишда ёруғликдан фойдаланишни тавсия этишмоқда.

Британияликлар технологияси ёруғлики оптик толалари линиялардан олиш, кучайтириш ва хона шароитида маълумот узатишга асосланган. Мазкур технология юқори тезликка эга—100Гбит/сония. Солиштирадиган бўлсак, Wi-Fi стандартининг энг сўнги авлоди 7-10 Гбит/сония тезликини кафолатлайди.

## "ЎЧМАЙДИГАН" ВИРУС

AVG антивирус компанияси ҳатто "ўчирилган" андроид-қурилмалардан ҳам маълумот ўғирлайдиган вирусни топди.




AVG


PowerOffHijack.A дея ном олган бу зарарли дастур қурилманинг ўчирилиши жараёнига чуқур кириб бора олади ва яширинча стандарт ҳаракатларни ўзгартириб ташлайди. Гарчи фойдаланувчи телефон ёки планшетини ўчирдим деб ўйласса-да, аслида қурилманинг экрани ўчади, холос.

Оқибатда, қурилма одатдагидек ишлайверади: кўнғироқлар амалга оширилиб, микрофон ва камералар ишга тушиши, маълумотлар узатилиши мумкин.

AVG маълумотларига кўра, хозиргача PowerOffHijack.A вирусидан мивглаб қурилма (асосан Хитойда) зарар кўрган.

ПРОФЕССИОНАЛЛАРДАН  
ҚОЛИШМАЙДИЯНА БИР  
РЕКОРД

Toshiba компанияси 2,5 дюйм ўлчамли қаттиқ дискларга ёзиш зичлигини 1Тбит/кв.дюйм (1Тбит/ин<sup>2</sup>)га етказди. Ишлаб чиқарувчининг маълум қилишича, бу шу пайтгача жаҳонда чиқарилган 2,5 дюймли дискларга энг зич ёзиш кўрсаткичи бўлиб, HDD-дискнинг умумий сифими 3 терабайтга етказилган.



Интернетдаги манбаларга кўра, Хитойнинг Meizu компанияси жорий йил тўртинчи чорагида чиқариши кутилаётган Meizu MX5 смартфонига 41 мегапикселли камера ўрнатилди. Унча-мунча профессионал фотокамералардан қолишмайдиган ушбу смартфоннинг бошқа жиҳатлари ҳам эътиборга лойиқ.

Ностандарт ўлчамли (5:3) бу қурилманинг 5,5 дюймли дисплейи 2К (2560x1440 пиксел) сифатни кафолатлайди. Оператив хотираси — 4 гигабайтга тенг.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган юксак эътибор фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб камол топишида муҳим омил бўлмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда замонавий ўқув масканлари бунёд этилиб, улар таълимнинг энг сўнги жиҳозлари билан таъминланаётгани ёшларимизнинг мукамал билим олишлари учун хизмат қилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда "Таълим тўғрисида" ги қонунда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида йилдан-йилга юқори натижаларга эришиб келиняпти.



## АНЪАНАВИЙЛИКДАН ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРГА

АКТ-саводхонлик таълим самарадорлигини оширишда муҳим омилдир

Ахборотлашган жамиятда яшаётган эканмиз, таълим-тарбия ишлари ҳам шунга ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Шулардан келиб чиқиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари таълим жараёнига ҳам кенг татбиқ этилмоқда, айниқса, интерфаол усуллардан самарали фойдаланиляпти. Машғулотлар очик дарс тарзида ва қизиқарли ўйинлар воситасида олиб борилаётгани боис ўқувчилар чуқур билим олиш билан бир қаторда, эркин фикрлаш, янги ғоялар устида мушоҳада юритишга кўникма ҳосил қилишаётир. Албатта, бу борадаги ишларни йилдан-йилга такомиллаштириб боришда ҳукуматимиз қарорлари, қонун ва фармонлари муҳим дустуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2014 йил 19 февралдаги "Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида" ги 2133-қарорида мамлакатимизда ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш мақсад қилиб олинган.

Мазкур Давлат дастури ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлиги томонидан ўзига юклатилган кўрсатмалар доирасида қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, мактабгача таълимга қамраб олинмаган болалар учун уларни мактабга тайёрлаш мақсадида

### Факт ва рақамлар:

■ 2015 йилда Урганч шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари доирасида қурилайётган спорт иншоотларини фойдаланишга топшириш ишлари якунланмоқда.

■ 2015–2020 йилларда юртимиз бўйлаб 50та янги мактаб қурилади, 1637таси реконструкция қилиниб, 643тасининг капитал таъмирланиши режалаштирилмоқда.

■ Утган йили фойдаланишга топширилган 115та болалар спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзалари спорт анжомлари ва усқуналари билан жиҳозланди. 2004-2012 йилларда фойдаланишга топширилган болалар спорт объектлари эса қайта жиҳозланди.

“

2014 йили 380та умумтаълим мактаби, 48та мусиқа ва санъат мактаби, 110та болалар спорт объектлари, жумладан, 73та умумтаълим мактабида спорт заллари, 65та Баркамол авлод марказлари янгитдан қурилади, реконструкция қилиниди ва мукамал таъмирланди.

”

республика миқёсида 1220та қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалда. Ҳозирги кунда республика-мизда фаолият олиб бораётган 540та ана шундай қисқа муддатли гуруҳларга 8116 нафар бола жалб этилган.

Давлат дастурининг 94-банди ижросини таъминлаш мақсадида фарзанди 5-6 ёшли бўлган ҳар бир ота-онага беш номдаги болаларни мактабга тайёрлашга яқиндан ёрдам берадиган "Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари" ва "Болажон" таянч дастури асосида "Нутқ ўстириш, ўқиниш ва саводга тайёргарлик", "Математик тасаввурларни шакллантириш", "Соғ таңда — соғлом ақл", насрий ва шеърый асарлар тўпламлари яратилди. Ушбу қўлланма 436130 нусада нашр қилиниб, ота-оналарга бепул етказилди.

Шунингдек, бошланғич синфларда ўқитиш сифатини яхшилаш, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятига кенг жорий этиш мақсадида умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқитувчилари учун етти номдаги "Саводга ўргатиш", "Атрофимиздаги олам", "Она тили", "Ўқиш" "Математика" "Русский язык" ва "Чтение" мултимедиа методик қўлланмала-

ри чоп этилди ва республикаимиздаги барча мактабларга етказиб берилди.


Фарзандларимизнинг замонавий билим ва касб сирларини мукамал эгаллашлари учун қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган таълим-тарбия муассасалари замонавий компьютер синфлари, ўқув лаборатория ва устахона жиҳозлари, мусиқа асбоблари ва спорт инвентарлари билан таъминланди.

Бугунги ўқитувчи тайёр электрон ресурслар ёрдамида дарс ўтиш билан чегараланмасдан, балки таълимий ресурсларни яратиш ҳамда уни амалда қўллаш, ўқитишнинг замонавий технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, фан ва унинг таркибига кирувчи билимлар мазмунини ўқувчиларга етказиш малакасига эга шахс сифатида фаолият олиб бориши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги "Халқ таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 234-қарори айти юқоридаги мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

2012 йил 10 декабрда мамлакатимизда чет тилларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори қабул қилинган бўлиб, "Соғлом бола йили Давлат дастури" доирасида умумтаълим мактабларидоги чет тили хоналарини жиҳозлаш мақсадида 1—4-синфлар учун 4193 комплектли замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда ўқитишнинг техник воситалари ва жиҳозлари етказиб берилди. 5—9-синфлар учун эса 1500 комплектли ўқув компьютер синфлари ошилди. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг 500 минг нафардан зиёд 2-синф ўқувчиларига чет тили дарс-ликлари мултимедиа қўлланмалари билан бирга бепул тақдим этилди.

Бошланғич синфларда чет тилларини ўқитиш учун 17222 чет тили хонаси тайёрланиб, уларнинг барчаси DVD-магнитола, ўқув-кўргазмалар қуроллар, лугат ва адабиётлар билан таъминланди. Бу йил 8124та чет тили хонаси техник воситалар ва жиҳозлар билан таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Муслимбек Йўлдошев



## В целях улучшения качества

В рамках Государственной программы "Год внимания и заботы о старшем поколении" предусмотрено улучшение качества предоставляемых пожилым людям социальных услуг с широким использованием современных ИКТ в рамках развития системы "Электронное правительство" через Единый портал интерактивных государственных услуг [www.mv.gov.uz](http://www.mv.gov.uz).

**Предусмотрено создание и внедрение:**

- интерактивной услуги по подаче электронных заявлений на социальное обслуживание на дому для одиноких пожилых людей и инвалидов;

- интерактивной услуги по подаче заявлений и получению в электронном виде перечня документов, необходимых для размещения одиноких пожилых людей и инвалидов в дома-интернаты "Саховат" и "Мурувват";

- программного комплекса по электронному учету санаторно-курортного оздоровления ветеранов войны и трудового фронта 1941-1945 годов;

- специальной информационной системы "Protez" по автоматизации учета обеспеченности лиц с инвалидностью протезно-ортопедическими изделиями и техническими средствами реабилитации.

Реализация данных проектов обеспечит повышение доступности и улучшение качества социальных услуг для пожилых людей на основе широкого использования современных ИКТ, а также повысит прозрачность и ускорит процедуры доступа пожилых людей и инвалидов к объектам социальной инфраструктуры, санаторно-курортному лечению и оздоровлению, получению технических средств реабилитации.

cctt.uz

## В Узбекистане создадут специальный интернет-портал для пожилых граждан

В рамках Государственной программы "Год внимания и заботы о старшем поколении" предусмотрено создание специализированного интернет-портала для пожилых граждан "Nuroni.Net", интегрированного в информационную систему "Электронное правительство".

Данный проект предусматривает:

- размещение в соответствующих разделах портала актуальной информации об имеющихся льготах для пожилых людей, пенсионном и другом законодательстве, новостей, консультаций и другой полезной информации с систематическим обновлением и возможностью создания социальной сети для людей старшего поколения;

- подключение всех территориальных подразделений Министерства труда и социальной защиты населения, домов-интернатов "Саховат" и санаториев для престарелых, центров культуры и досуга населения, информационно-ресурсных центров.

Совместно с Минтрудсоцзащиты, Минобразования, ЦССПО, фондами "Нуроний" и "Махалла", а также Внебюджетным пенсионным фондом к новому portalу будет обеспечено подключение всех территориальных подразделений Минтрудсоцзащиты, домов-интернатов "Саховат" и санаториев для престарелых, центров культуры и досуга населения, информационно-ресурсных центров.

## Новые почтовые марки и конверты от АО "Ўзбекистон почтаси"

В соответствии с отраслевой программой Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан в рамках Государственной программы "Год внимания и заботы о старшем поколении", АО "Ўзбекистон почтаси" организует выпуск почтовых марок и конвертов, посвященных 70-летию окончания войны 1941-1945 годов, героизму и самоотверженности узбекистанцев, внесших достойный вклад в Победу над фашизмом.

Специальные памятные конверты и почтовые марки будут введены в обращение в мае этого года в рамках организации и проведения комплексных мероприятий по материальной и моральной поддержке ветеранов войны и трудового фронта 1941-1945 годов предусмотренной отраслевой программой.

Infocom.uz

## Справки в электронной форме

В Узбекистане намечена реализация пилотного проекта по внедрению информационных услуг предоставления в электронной форме по запросам органов пенсионного обеспечения архивных справок для оформления пенсий граждан.

Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций совместно с Агентством "Узархив" и Внебюджетным пенсионным фондом запланирована реализация комплекса мер по внедрению наиболее удобного для пожилых людей механизма подтверждения трудового стажа, исключая получение в бумажной форме различного рода справок и документов.

## Рекомендуемые сайты на портале Ziyonet

На портале Ziyonet есть список сайтов <http://sites.ziyonet.uz/ru/>, рекомендованных для учащихся. Это образовательные, научно-популярные и интересные познавательные сайты, библиотеки, сборники разных сведений, сайты преподавателей, справочники, энциклопедии, персональные сайты известных людей и т.д.

Общее количество рекомендованных сайтов — 700. Каждый сайт снабжен небольшим описанием, позволяющим сразу понять, что на нем можно найти. Списки сайтов на узбекской и русской версиях портала совпадают, описания сайтов представляются на выбранном языке.

Есть поиск сайтов по содержанию и проверка расположения сайтов в зоне TAS-IX.



Сайты можно сортировать по дате добавления (для тех, кому интересны свежие поступления) или по популярности, то есть, по количеству переходов на сайт из этого списка. Чтобы увидеть, что же интересует других пользователей сервиса. А интересует их в первую очередь, судя по рейтингу, скачивание рефератов и электронные библиотеки. Надеемся, что скаченные материалы не сдаются бездумно преподавателям, а изучаются и творчески перерабатываются.

Отдельно отмечены сайты, расположенные в TAS-IX, доступ к ним сохранится и после того, как школа или колледж использует выделенный на месяц объем трафика.

Если вы знаете интересный сайт, которого не хватает в списке, кликните кнопку "Рекомендовать сайт" и пришлите нам его адрес через открывшуюся форму обратной связи.

Списки можно рекомендовать и для домашнего просмотра вместе с детьми, есть гарантия, что не попадете на страницы с негативным или негативным контентом.

uzinfocom.uz

## Интернет-кафе обязали работать до 21:00

**Несовершеннолетним теперь нельзя посещать интернет-кафе во время уроков и в позднее время.**


Решением хокима Ташкента несовершеннолетним молодым людям запрещено посещать интернет-кафе и компьютерные клубы города во время уроков и в позднее время без одного из родителей (или заменяющего их лица), а эти учреждения отныне могут работать только до 21:00 часов.

Документ, озаглавленный "О мерах по координации деятельности хозяйствующих субъектов, предоставляющих услуги через сеть интернет и компьютеры в городе Ташкенте", был подписан хокимом 18 февраля и вступил в силу с 24 февраля.


Gazeta.uz

# Хабарлар +tv

ДУШАНБА 2 МАРТ




5.55 Кӯрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
7.00 "Сайлов - демократия оғузи".  
8.00 "Тадлинома".  
8.35 "Хитой табииоти". Х/ф.  
9.00 Миллий сериал: "Чемпионлик оғузи".  
9.30 "Ватанпарвар".  
10.10 "Рухшинос". Т/с.  
10.50 "Нотариус масалхати".  
11.00 "Абдорот".  
11.10 "Муқаддас ришталар". Т/с.  
11.55 "Иқлим".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
13.00 "Комиссар Рекс". Т/с.  
14.00 "Абдорот".  
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустақамилли йўлида".  
14.45 Миллий сериал: "Оғузулар фаёли".  
15.20 "Ҳаёт". Х/ф.  
15.45 "Курганларимиз ҳақида".  
16.10 "Билимдон". Интеллектуал тавалло.  
17.00 "Абдорот".  
17.10 "Сўхбатдош".  
17.20 "Агроолам".  
17.40 "Корачик".  
18.00 "Кўнгиш қўшиқ истади".  
18.05 "Бахтим шул - Ўзбекистон Зурфиёсимини".  
18.10 "Имконият".  
18.40 "Муқаддас ришталар". Т/с.  
19.25 Эълонлар.  
19.30 "Абдорот" /рус/.  
20.00 "Сайлов - 2015".  
20.40 "Ўзбек модели".  
21.00 "Абдорот".  
21.50 "Абдорот - 2015".  
22.20 "Муносабат".  
23.00 "Кўнгиш қўшиқ истади".  
23.05 - 23.50 "Доктор Хаус". Т/с.  
23.50 "Иқлим".  
23.55 "Агроолам".  
00.15 "Курганларимиз ҳақида".  
00.40 "Корачик".  
01.00 "Абдорот" /рус/.  
1.10 Миллий сериал: "Оғузулар фаёли".  
2.05 "Шарқ тароналари".  
2.15 Теле Театр: "Топилтган туйғу". 1-қисм.  
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
4.00 "Абдорот".  
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик оғузи".  
5.10 - 5.55 "Ватанпарвар".




6.00 "Ватан меҳри".  
6.10 "Грануум".  
7.00 "Жойда гули". Т/с.  
7.30 "Ешлик навоилари".  
7.50 "Борго Ларичи сирлари". Т/с.  
8.20 "Эзола ва ахтиром".  
9.50 "Сумалк хаёли".  
10.00 "Қамолот-инфо".  
10.10 "Вельвет галереяси". Т/с.  
10.60 "Галактика". Х/с.  
11.50 "Баҳор нашлади".  
12.00 "Доктор Кунин". Т/с.  
12.50 "UzEX".  
13.00 "Давр".  
13.10 "Жибалқабон". Т/с.  
14.30 "Қўзумуқ".  
15.00 "Қўстам нафаси".  
15.10 "Халқабатим-қисматим". Т/с.  
16.00 "Давр".  
16.10 "Қамолот-инфо".  
16.20 "Аёлта ташки".  
16.30 "Диллибоб ва қирқ қароқчи".  
18.50 "UzEX".  
19.00 "Давр".  
19.50 "Сарой жаваҳири". Т/с.  
20.20 "Нуртан наво".  
20.30 "Ешлик навоилари".  
21.10 "Вельвет галереяси". Т/с.  
22.00 "Давр".

22.30 "САЙЛОВ-2015".  
23.50 "Юрт келажиги".  
00.10 "Соллом ҳаёт".  
00.30 "Жаҳон муваққат".  
1.40 "Мўзаикавий дунё".  
3.00 "Таранум".  
3.50 "Галактика". Х/с.  
4.40 "Доктор Кунин". Т/с.  
5.30-6.00 "Давр".




5.55 "Ягониван, муқаддас Ватаним".  
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 2.00. "Рухайт".  
6.25 Миллий сериал: "Ҳаёт жиддлари". 36-қисм.  
7.00 "Тошкент вақти".  
7.50 "Ишга марҳамат".  
8.25 "Пойтахт-культура".  
8.40 "Мисли ганди".  
8.55 "Пойтахт-экс". /рус тилида/.  
9.05 "Люс Марин". Т/с. 62-қисм.  
9.50 "Рухайт-sport".  
10.00, 14.00, 22.00. "Пойтахт". /рус тилида/.  
10.20 "Литр слёз". Т/с. 1-қисм.  
11.00 "Рухайт-авто".  
11.10 "Хранителёе времени". Х/ф.  
12.00 "Тошкент вақти".  
13.50 "Рухайт-репортаж".  
14.40 "Кўнгиш хайратлари".  
14.40 "Пойтахт-культура".  
14.50 "Химоя".  
15.00 "Рухайт-biznes".  
15.10 "Интимок". Т/с. 31-қисм.  
15.50 "Рухайт-sport".  
16.10 "Жаҳидиқ позициячи". Б/ф.  
16.30 "Обод мовалом".  
18.25 "Бахт қўрғони".  
18.50 "Рухайт-интегрю".  
19.00 "Иқлим".  
20.25 "Интимок". Т/с. /Премьера/. 32-қисм.  
21.15 "Сайлов-2015".  
21.45 "Теле-маркет".  
22.20 "Салваби на два дня". Х/ф.  
00.05 "Таксилар".  
00.35 "Халис наво".  
1.00 "Рухайт-экс".  
1.10 "Литр слёз". Т/с. 1-қисм.  
1.50 "Рухайт-biznes".  
2.25 "Тезликка ташналик". Б/ф.  
4.00 "Тошкент вақти".  
4.50 "Дунё теледастури".  
5.40 "Телехаёли".




6.00 "Ҳайли тон".  
6.05 Кӯрсатувлар тартиби.  
6.10 "Корақалпоқ спорти".  
6.25 АНОНС.  
6.30 "Оғузулар кемаси".  
6.55 АНОНС.  
7.00 "SPORT-EXPRESS".  
8.00 ХАБАРЛАР.  
8.30 "Спорт Метео".  
8.35 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.  
10.10 Биатлон: Европа кубоги.  
11.00 "SPORT REPORT".  
11.10 АНОНС.  
11.20 "Шоҳуштага йўл".  
11.55 Рақамлар, натоқалар, реинтилар.  
12.00 "SPORT-EXPRESS".  
13.00 Трамплиндан сакраш. Жаҳон чемпиони.  
14.00 ХАБАРЛАР.  
14.15 АНОНС.  
14.20 "Жозьба".  
14.55 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.

16.35 АНОНС.  
16.40 "Халқ йиллилари".  
16.50 АНОНС.  
16.55 Теннис. АТР/WTA турнири.  
18.05 Кӯрсатувлар тартиби.  
18.10 "Спорт сайрағиси".  
18.20 "Техно-спорт".  
18.25 АНОНС.  
18.30 ХАБАРЛАР.  
18.40 АНОНС.  
18.55 "Болалар спорти".  
19.20 От спорти. Халқаро турнир.  
20.10 АНОНС.  
20.15 "Мурбаб".  
20.35 "Футбол шарҳи".  
21.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".  
21.30 ХАБАРЛАР.  
21.50 "Спорт Метео".  
21.55 Чағни пойғаси. Жаҳон чемпиони.  
23.15 АНОНС.  
23.20 "Европа қироллари: Челси" паризи. Куражатли фильм.  
23.35 АНОНС.  
23.40 "Техно-спорт".  
23.55 АНОНС.  
23.55 "SPORT REPORT".  
00.00 АНОНС.  
00.05 Профессионал бокс.  
00.55 АНОНС.  
1.00 ХАБАРЛАР.  
1.20 АНОНС.  
1.25 Баскетбол.  
2.35 Топ чағинси. Жаҳон кубоги.  
3.45 "Шакил Онли". Х/ф.  
4.45 АНОНС.  
4.50-6.00 Теннис. АТР/WTA турнири.


04.00 Телеканал "Доброе утро"  
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00  
Новости  
07.05 "Поле чудес"  
08.10 Контрольная закупка  
08.35 "Жить здорово!"  
09.35 Молний приговор  
10.30 Фарада  
11.15 "Сегодня вечером"  
13.05 Сыск  
13.40 "Время покажет".  
14.20 "Время покажет". Проложение.  
15.15 "Мужское/Женское"  
16.10 "Наедине со всеми"  
17.00 Вечерние новости  
18.00 "Давай поженимся!"  
19.00 Путь героя  
20.00 "Время"  
20.30 Т/с "Долгий путь домой"  
22.20 "Вечерний Ургант"  
22.50 Познер  
23.30 Ночные новости  
00.05 "Наедине со всеми"  
00.50 "Время покажет"  
01.35, 02.05 Молний приговор




05.00 "Утро России".  
09.00, 03.20 "Ангели с моря".  
09.55 Ток-шоу "О самом главном".  
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.  
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Вести-Москва.  
11.55 Т/с "Тайны следствия".  
12.55 "Собой случаи".  
14.40 Вести. Дежурная часть.  
15.00 Т/с "Там, где ты".  
16.00 Т/с "Последний январь".  
8.15 "Премьер-эфир".  
20.50 "Спокойной ночи, малыши".  
21.00 Т/с "Весной расцветает любовь".  
23.45 "Дежурный по стране". Михаил Жванецкий.  
00.50 Х/ф "Воспитание жестокости у женщины в собак".  
02.20 "Горючая десертка".  
04.20 "Комната смека".




05.00 "НТВ утрово".  
07.10 "Дело врачей".  
08.00, 09.20 Т/с "Возвращение Мухомора".  
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 "Сегодня".  
11.00, 12.20 "Суд присяжных".  
13.30 "Обзор. Чрезвычайное происшествие".  
14.00 "Прокурорская проверка".  
15.20 Т/с "Улицы разбитых фонарей".  
18.40 "Говорим и показываем".  
19.40 Т/с "Морские дьяволы. Смерть".  
21.40 "Анатомия дня".  
22.30 Т/с "Морские дьяволы".  
00.35 Д/ф "Настоящий итальянец".  
01.20 "Судебный детектив".  
02.20 "Дикий мир".



07.00 "Евроноас".  
10.00, 15.00, 19.00, 23.00 Новости культуры.  
11.15 "Наблюдатель".  
11.15 Х/ф "Телеграммы".  
12.50 Д/ф "Балхонский манер".  
13.05, 20.40 Д/ф "Последние дни Анны Бولين".  
14.05, 01.40 Т/с "Петербургские тайны".  
15.10 "Беседы о русской культуре".  
15.55 Х/ф "Дело нестрыка".  
17.30 Примадонны мирового оперы.  
18.20 Д/ф "О.Генри".  
18.30 Т/с "Бабий век".  
19.15 Главная роль.  
19.30 Сати. Нескучная классика...  
20.10 "Правила жизни".  
21.45 "Тем временем".  
22.30 "Моналоз в 4-х частях".  
23.20 Д/ф "Соединение Штата против Джона Леннона".  
01.00 Больше, чем любовь. Лев Зиндлер и Зинаида Ермошина.  
02.40 Д/ф "Фансиал-Гобби. Лагерь, застрявший в камне".



04.00 06.00 22.00 23.30 "6 кадров".  
04.30 "Животные".  
05.10 Мультифильм.  
07.30 10.00 16.10 "Ералаш".  
08.30 "Пальцы дочки".  
12.00 "Дочки-матери". Драмели.  
13.00 "Горько".  
14.50 Шоу "Уральских пельменей".  
18.00 "Дочки-матери".  
18.00 "Последние из Магикси".  
19.00 "Папа на вырост". Ситком.  
18.00 "Последние из Магикси".  
19.00 "Перевороч-3". Боевик.  
21.00 "Луна". Мистический триллер.  
22.30 Кино в деталях с Фёдором Бондарчуком.  
23.45 "Курьер".



06.00, 05.30 Мультифильм.  
09.30, 10.30, 11.30, 12.30 "Большая история НЛО".  
13.30 Д/ф "Городские легенды".  
14.00, 14.30 Д/ф "Охотники за привидениями".  
15.00 "Мистические истории".  
16.00, 16.30 Д/ф "Галдака".  
17.00, 17.30 Т/с "Слепя".  
18.00, 01.00 "Х-Версии. Другие новости".  
18.30 Т/с "Пятая стража".  
19.30, 20.20 Т/с "Помнить все".  
21.15, 22.05 Т/с "Менталист".  
23.00 Х/ф "Я-легенда".  
01.30 Х/ф "Боевик Джексон".

**ОТВЕТАМИ**

- 5.55 Курсулгулар дастурин.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7.00 "Сайлов - 2015".
- 7.40 "Хитой табиати". Х/ф.
- 8.00 "Ахборот".
- 8.40 "Сайлов-2015".
- 9.20 Миллий сериал: "Чемпионлик орусин".
- 9.50 "Кунарининг бирда.".
- 10.05 "Иқлим".
- 10.10 "Субхидоли".
- 10.20 "Рухшинос". Т/с.
- 11.00 "Ахборот".
- 11.10 "Муқаддас рингалар". Т/с.
- 11.55 "Иқлим".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 13.00 "Комиссар Рекс". Т/с.
- 14.00 "Ахборот".
- 14.15 "Менинг болам".
- 14.35 Миллий сериал: "Орулар фасли".
- 15.10 "Имконият".
- 15.30 "Хайт". Х/ф.
- 15.55 "Иқлим".
- 16.00 "Тезкор хабарлар".
- 16.10 "Коричин".
- 16.30 "Ахборот" /инглиз/.
- 16.40 "Курган - дарё".
- 17.00 "Ахборот".
- 17.10 "Нитокс".
- 17.30 "Тарқиқот тангани".
- 17.45 2015 йил - "Кексаларни эъловлан йили". "Эълоз".
- 18.00 "Кўнгила қўшиқ истаиди".
- 18.05 "Наҳшлар жазоси".
- 18.15 "Ўзбек модели".
- 18.40 "Муқаддас рингалар". Т/с.
- 19.25 Эълонлар.
- 19.30 "Ахборот" /рус/.
- 20.00 "Сайлов - 2015".
- 20.40 "Устурлоб".
- 21.00 "Ахборот".
- 21.40 "Сайлов - 2015".
- 22.20 "Қишлоқ ҳаёти".
- 22.40 "Кўнгила қўшиқ истаиди".
- 22.45 - 23.30 "Доҳтур Хаус". Т/с.
- 23.30 "Эълоз".
- 23.40 "Ойбоқон". Б/ф.
- 1.00 "Ахборот" /рус/.
- 1.30 Миллий сериал: "Орулар фасли".
- 2.05 "Шарқ таронлари".
- 2.15 ТелеТеп: "Топланган туйуи". 2-кўям.
- 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 4.00 "Ахборот".
- 4.04 Миллий сериал: "Чемпионлик орусин".
- 5.10 "Устурлоб".
- 5.30 - 5.55 "Қишлоқ ҳаёти".



- 6.00 "Ватан меҳри".
- 6.10 "Тараннум".
- 7.00 "Жайла гули". Т/с.
- 7.30 "Ёшиқ навалари".
- 8.00 "Боро Ларин сирлари". Т/с.
- 8.40 "САЙЛОВ-2015".
- 10.00 "Давр".
- 10.10 "Велвет галериси". Т/с.
- 11.00 "Галактика". Х/с.
- 11.50 "Кўксиз нафиси".
- 12.00 "Доҳтур Кунинг". Т/с.
- 13.00 "ЎзЕХ".
- 13.00 "Давр".
- 13.10 "Жиблакшобон". Т/с.
- 14.20 "Ватанпарвар".
- 15.00 "Аёла тилизи".
- 15.10 "Муқаббатим-қисмати". Т/с.
- 16.00 "Давр".
- 16.10 "Аппоншура".
- 16.30 "Бахт сароби". Б/ф.
- 18.50 "ЎзЕХ".
- 19.00 "Давр".
- 19.30 "Сарой жаҳоирин". Т/с.
- 20.20 "Суз ёллагар".
- 20.30 "Ёшиқ навалари".
- 21.00 "Велвет галериси". Т/с.
- 22.00 "Давр".
- 22.30 "САЙЛОВ-2015".
- 23.50 "Табиркор даври".
- 00.20 "Нуктан назар".

- 00.50 "Хайт ҳафсизинг".
- 1.20 "Ватанпарвар".
- 2.00 "Эълоз ва эҳтиром".
- 2.30 "Ош бузиси".
- 3.00 "Тараннум".
- 3.50 "Галактика". Х/с.
- 4.40 "Доҳтур Кунинг". Т/с.
- 5.30-6.00 "Давр".


**СЕРИАЛ**

- 5.55 "Ягонисан, муқаддас Ватаним!"
- 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00 "Рухшинос".
- 6.25 Миллий сериал: "Хайт жодаларин". 37-кўям.
- 7.00 "Ишга марҳумат!"
- 8.25 "Сайлов-2015".
- 8.55 "Рухшинос-с/о".
- 9.05 "Ўш Марин". Т/с. 63-кўям.
- 9.50 "Рухшинос-спорт".
- 10.00 "Routakht news".
- 10.20 "Литр с/с". Т/с. 2-кўям.
- 11.00 "Рухшинос Hi-tech".
- 11.10 "Ми кўнгила зоопарк". Х/ф.
- 11.00 "Тошкент истаиди".
- 13.50 "Рухшинос-вистуи".
- 14.00, 22.00 "Пофтахт". /рус тилида/.
- 14.10 "Шаг за шагом".
- 14.40 "Тошкентнинг илм масканиларин".
- 15.00 "Routakht-biznes".
- 15.10 "Нитокс". Т/с. 32-кўям.
- 15.35 "Ишга марҳумат!".
- 16.10 "Енгизма". Б/ф.
- 17.45 "Кадр орусин".
- 18.25 "Дахтур ассалом".
- 19.00 "Ўш Марин". Т/с. /Премьера/ - 64-кўям.
- 19.45 "Теле-маркет".
- 19.55 "Ишга марҳумат!".
- 20.25 "Нитокс". Т/с. /Премьера/ - 33-кўям.
- 21.15 "Сайлов-2015".
- 21.45 "Теле-маркет".
- 22.20 "Эюпшак". Х/ф.
- 00.00 "Бахт қўрғонин".
- 00.30 "Дивандим" тележурнали.
- 1.00 "Рухшинос-пастану".
- 1.10 "Литр с/с". Т/с. 2-кўям.
- 1.50 "Routakht-biznes".
- 2.25 "Жаҳоир политичин". Б/ф.
- 3.00 "Routakht Hi-tech".
- 4.00 "Тошкент вақтин".
- 4.50 "Дуне" теледастурин.
- 5.40 "Сайёр камера".

**SPORT**

- 6.00 "Хайран тонг".
- 6.05 Курсулгулар тартиби.
- 6.10 "Техно-спорт".
- 6.15 АНОНС.
- 6.20 "Кувнок старлар".
- 6.50 АНОНС.
- 7.00 "SPORT-EXPRESS".
- 8.00 ХАБАРЛАР.
- 8.10 "Спорт Мелд".
- 8.15 Чанги пойиси. Жаҳон чемпионати.
- 9.35 "Эйртфор".
- 9.45 Тоғ чангиси. Жаҳон кубоги.
- 10.55 АНОНС.
- 11.00 "SPORT REPORT".
- 11.10 От спортин. Халқаро турнир.
- 11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
- 12.00 "SPORT-EXPRESS".
- 13.00 АНОНС.
- 13.05 "Футбол шарин".
- 13.55 АНОНС.
- 14.00 ХАБАРЛАР.
- 14.15 "Спортнинг малюкаларин".
- 14.45 Курши. Ўзбекистон чемпионати.
- 15.35 "Бизилсим?".
- 16.00 Теннис. АТР/ВТА турнирин.
- 16.45 "Спорт сайраси?".
- 16.55 Курсулгулар тартиби.
- 17.00 ХАБАРЛАР.
- 17.20 АНОНС.
- 17.25 ФУТБОЛ. ОСИЕ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ. "БУНЕДКОР"

- (ЎЗБЕКИСТОН) - "ПЕРСИПОЛИС". (ЭРОН) ТУРГИДАН - ТУРГИ ОЛИБ КУРСАТИЛАДИ.
- 20.05 "Техно-спорт".
- 20.10 АНОНС.
- 20.15 "Ифтихорисман, спорт!".
- 20.30 "Осиё футболин".
- 20.50 АНОНС.
- 20.55 "RING".
- 21.25 "СПОРТ - МАРКЕТ".
- 21.30 ХАБАРЛАР.
- 21.50 "Спорт Мелд".
- 21.55 "Европа цирюларин; "Челси" тартиби. Хужжатли фильм.
- 22.10 АНОНС.
20.40 X/ф "Волкодав"  
23.10 Смешанные  
единоборства.  
01.15 "Большой  
футбол с Владимиром  
Стогниенко"  
02.00 Биатлон.  
03.30, 04.00 "Основной  
элемент"  
04.25 "Неспokoйной  
ночи"  
04.55 Чемпионат мира  
по бобслею и скеле-  
тону.  
05.50 Конькобежный  
спорт.  
06.45 Профессиональ-  
ный бокс.



Тадбирдан лавҳалар



## Дастурлаш бўйича халқаро тренинг

Россиянинг Петрозаводск Давлат университети ҳар йили анъанавий тарзда дастурлаш бўйича халқаро тренингга мезбонлик қилади. Бу йил тренинг 30 январдан 9 февралгача бўлиб ўтди. Россия, Беларус, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Полша, Словакия, Руминия ва Швеция давлатларидан келган 56та жамоа иштирок этган тренингда ТАТУ дастурий инжиниринг факултети 215-12 гуруҳи талабалари Аҳам Тошканов, Сирож Самадов ва Агабек Бозорбоевлар иштирок этишди.

Тренингда асосан дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатида чиққан жамоалар қатнашишди. Уларнинг кўпчилиги жаҳон чемпионлари ҳисобланишади. Тренингдаги масалалар асосан жаҳон чемпионатининг финал босқичида тушадиган масалаларга ўхшаш тарзда бўлиб ўтди. Деярли ҳар куни беш соатлик сонстест (10тадан 12тагача масала) ва ундан сўнг шу тушган масалаларнинг таҳлили ўтказилди. Мусобақадаги масалаларни асосан жаҳон чемпионларининг ўзлари ва уларнинг мураббийлари тузишган.

## Интеллектуал мулк ва ҳимоя

Тошкент ахборот технологиялари университети ва Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги ҳамкорлигида университетда "Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси" мавзuida семинар ўтказилди.

Агентлик бош директорининг ўринбосари Мақсуд Бобожонов соҳа янгиликлари, ташкилот иштирокидаги тадбирлар ҳақида маълумот бериб, мазкур семинар ТАТУ ёш олимлари билан яқиндан мулоқотда бўлиш ҳамда ўзaro ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини билдирди. Ўз навбатида, энг яхши интеллектуал мулк объекти учун ўтказилаётган навбатдаги "YANGI INTELLEKT-2015" танлови қонун-қоидалари ҳақида хабар берилди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Агентлик мутахассислари интеллектуал мулк объектлари, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектлари, товар ва хизмат белгилари, соҳага доир миллий ва халқаро қонунчилик, қолаверса, контрафакт маҳсулотларнинг иқтисодий ва жамият учун зиёни ҳақида батафсил тўхталиб, қатнашчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Собит АҲАДОВ,  
"Xabar" мухбири

### МАВЗУ ДОИРАСИДА:

Контрафакт (французча "contrefaçon" сўзидан) — интеллектуал мулк ҳуқуқини бузиш деган маънони англатади. Жаҳон контрафакт бозори 2015 йилда 1,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

### Экспертларнинг фикрича:

2015 йилда:

- ЭХМ учун дастурлар, интернетдаги ахборот ва маҳсулотлар, CD ва DVD дискларнинг 70-80 фоизи;
- кийим-кечак, пойабзал, алкоголь маҳсулотларининг 30-40 фоизи;
- чой, кофе, тайёр озиқ-овқат маҳсулотларининг 30 фоизи;
- текстил маҳсулотларининг 25 фоизи;
- дори-дармон ва парфюмерия маҳсулотларининг 10-15 фоизи қалбакилаштирилиши кутиляпти.



Масалалар математика, дастурлаш, маълумотлар тузилмалари, комбинаторика ва бошқа мавзуларда берилди. Тренингда ҳар бир жамоа дастурлаш бўйича янги билим ва тажрибага эга бўлди.

12-мартга бўлиб ўтган Карелия Республикаси кубоги мусобақаси талабалар жамоалари ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатлари учун дастлабки қадам саналади. 2004 йилдан бери тренингнинг кубок голиблари саккиз марта жаҳон чемпиони бўлишди ва улар финал иштирокчиларининг катта қисмини ташкил этишди. Карелия Республикасининг дастурлаш бўйича 2015 йилги кубоги мутлақ голиби деб Санкт-Петербург ахборот технологиялари, механика ва оптика миллий тадқиқот университети жамоаси топилди. Голиблар ва иштирокчиларни Петрозаводск Давлат университетининг ректори А.Воронин ва президенти В.Василев табриклашди.

ТАТУ жамоаси тренингдан катта таассурот билан қайтди. Жамоа аъзолари у ердан олган билимларини бошқа жамоаларимизга ўргатишмоқда. Албатта, бу тренинглар ўз самарасини беради. Бу йилги дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати финал босқичи 2015 йилнинг 16-21 март кунлари Марокашда бўлиб ўтади.

Қурбон РАҲМОНОВ,  
ТАТУ "Информатика асослари"  
кафедраси мудири

## Сарҳисоб

"Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиалида 2014 йил якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурий вазифалар тўғрисида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда филиалнинг шахар ва туман боғламалари раҳбарлари, иқтисодчи ва ҳисобчилари иштирок этишди.

Йиғилишдан сўнг барча иштирокчилар филиал раҳбари Насим Жайсанов бошчилигида ТАТУнинг Самарқанд филиали фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида билим даргоҳида бўлдилар. ТАТУ Самарқанд филиали директори Абдували Холжигитов уларни филиал фаолияти билан атрофлича таништирди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

### QILMISH — QIDIRMISH

## Ўзбошимчалик оқибати...

Йигирма биринчи аср — ахборотлаштириш асри. Компютер, интернет ва шунга ўхшаш бошқа замонавий билимларни ўрганиш, улардан фойдаланиш фойдадан холи эмас. Аммо, уларни қонунга зид ишлар учун ишлатиш ярамайди.

Департаментнинг Олмазор туман бўлими ходимлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда, фуқаро Ю.Парфеновнинг (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) аризасига кўра, Учтепа туманидаги хонадонлардан бирида тезкор тадбир ўтказилди. Унда фуқароларга халқаро сўзлашув имконини берувчи хизмат турини йўлга қўйган В.Савичевнинг жиноий қилмиши фош этилди.

Маълум бўлишича, фуқаро В.Савичев интернет тармоғидаги форумларда Сергей исмли шахс билан танишиб, жиноий тил бириктирган ҳамда пойтахтимиздаги "Малика" савдо мажмуасидан махсус техникалар сотиб олган. Шундан сўнг махсус ускуналарни Учтепа туманидаги хонадонга ўрнатиб, ахборотлаштириш қоидаларини бузган ҳолда фуқароларга халқаро сўзлашувларни улаб бериш ва турли ахборотларни юбориш билан шуғулланган. Текширув давомида худди шундай хизмат Чилонзор туманидаги хонадонлардан бирида ҳам ташкил этилгани аниқланди. Баҳолаш комиссиясининг хулосасига кўра, олиб қўйилган далилий ашёлар 106.076.300 сўмга баҳоланди.

Мазкур иш юзасидан қонунбузар В.Савичевга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Шаҳзод ЗУФАРОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти  
Тошкент шахар Олмазор туман бўлими катта инспектори

◀ 1-бет

**Почта ва янги технологиялар**

Ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган айна замонда почта алоқаси соҳасини замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта.

Компютер техникаси билан жиҳозланган 146та

Соҳада янги иш ўринларини яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарор доирасида Наманган шаҳар ишлаб чиқариш

“

Коллежларни битириб, иш сўраб мурожаат қилган 26 нафар ўқувчи ҳозирда почта корхоналарида меҳнат қилмоқда.

”

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ Наманган филиали:****ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ**

автоматлаштирилган иш ўрнида “Электрон пул ўтказмалари”, “Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими”, “Гибрид пул ўтказмалари”, 67та иш ўрнида “Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларининг назорат дастури” асосида почта жўнатмаларини “Штрих код” орқали рўйхатга олиш автоматлаштирилган тизимлари жорий этилган. Шунингдек, 146та почта алоқаси объектлари кунлик пенсия тўлови тўғрисидаги маълумотлар пенсия тўловларининг ҳисоб-китоби ва назоратининг автоматлаштирилган тизими — “Пенсия” дастурига киритиб борилмоқда.

Электрон пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш хизматларини кўрсатишда 176та электрон рақамли имзо калитидан фойдаланилади.

Наманган шаҳар ишлаб чиқариш участкаси ва Чортоқ туман почта алоқаси тармоғида интернет-дан жамоа бўлиб фойдаланиш мақсадида интернет-кафелар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда компютердан фойдаланиш, факс хизмати, нусха кўчириш хизматлари йўлга қўйилган. 2014 йил якунига қўра, факс хизмати кўрсатишдан олинган даромад 350,8 минг сўмни ташкил этди.

“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг корпоратив тармоғи орқали филиал, шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида post.uz сайтида 19та, nampost.uz сайтида 71та электрон почта ишлатилмоқда. Post.uz сайтидаги электрон почталардан 9таси интернет орқали халқаро кирувчи ва чиқувчи маълумотларни қабул қилиш ҳамда жўнатиш имкониятига эга.

Молиявий тўлов амалиёти бўйича хизмат кўрсатиш мақсадида алоқа бўлимларида 219та банк терминаллари мавжуд бўлиб, уларнинг 46тасидан шаҳар почта алоқаси бўлимларида, 157тасидан қишлоқ алоқа бўлимларида, қолган 12тасидан шаҳар-туман почта алоқаси тармоқларининг марказий бўлимларида фойдаланилмоқда.

**Режа уддаланди**

Ҳисобот йилида кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар 2013 йилга нисбатан 102,4 фоизга ўсишига эришилганлиги, бунда бевосита чиқувчи почта жўнатмалари: хат-хабарлар 960,5 минг донага, жўнатмалар 7,44 минг донага, матбуот тарқатиш (газеталар чакана савдоси билан биргаликда) 8071,4 минг донага етказилганлиги, 2014 йил учун белгиланган истиқбол режасининг тўлиқ бажарилганлиги эътиборга моликдир. Шунингдек, Наманган шаҳар ишлаб чиқариш участкасида ташкил этилган курьерлик хизматидан олинган даромад 33243,5 минг сўмни ташкил этди.

“

2014 йил давомида 9715,7 млн. сўмлик 58224та электрон пул ўтказмаси қабул қилиниб, 11432,1 млн. сўмлик 62997та электрон пул ўтказмалари тўловлари амалга оширилди. Ушбу хизмат туридан 577,3 млн. сўм даромад олинди. Натижада, филиал ҳисобот йилини 1044,0 минг сўм соф фойда билан якунлади.

”

“

Бугун филиалда учта факс аппарати, 160та принтер, 94та модем, 272та компютер мавжуд бўлиб, уларнинг 182таси бевосита “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг корпоратив тармоғига қўланган.

”

участқасининг Наманган-37, Наманган-27, Уйчи почта алоқаси тармоғининг Жийдақапа алоқа бўлимларида теле-радио тузатиш шохобчаси, Учқўрғон почта алоқаси тармоғининг Учқўрғон-1 алоқа бўлимида ҳамда Чортоқ почта алоқаси тармоғининг марказий бўлимида уяли телефонларни тузатиш шохобчаси, Тошбулоқ почта алоқаси тармоғининг марказий бўлимида компютер устaxonаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 17 апрелдаги қарорига асосан ўтган йили Косонсой почта алоқаси тармоғининг Гулистон, Норин почта алоқаси тармоғининг Каттаўлмас, Тошбулоқ почта алоқаси тармоғининг Қоратепа ва Хўжақишлоқ алоқа бўлимлари компютер техникалари билан жиҳозланди. Аҳолидан тўловларни қабул қилиш мақсадида қишлоқ алоқа бўлими почтачиларини мобил банк терминаллари билан таъминлаш режаси 9,3 мартага ошириб бажарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги топшириғи бажарилишини таъминлаш юзасидан Чортоқ ва Косонсой туманларида аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари қуриб битказилди ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорларга сотилиб, 28301,0 минг сўм фойда олинди.

**Қўшимча хизматлар ва янги иш ўринлари**

Тармоқни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш режасига асосан ўтган йили Учқўрғон, Косонсой, Уйчи почта алоқаси тармоқларида учта, шунингдек, “Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш режаси”га асосан Косонсой почта алоқаси тармоғида PAYNET шохобчасини ташкил этиш ҳисобига битта янги иш ўринлари яратилди.

**Таълим — тараққиёт таянчи**

Вилоятдаги соҳага оид касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида 2014 йил апрел-июн ойларида 92 нафар коллеж ўқувчиси почта корхоналарида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўтадилар. Уларга малакали мутахассислар бириктирилиб, керакли шарт-шароитлар яратиб берилди. “Почта хизмати” йўналиши мавжуд бўлган Наманган транспорт ва ахборот технологиялари ҳамда Янгиқўрғон алоқа ва компютер технологиялари касб-ҳунар коллежларининг филиал томонидан ташкил этилган почта синфлари қўшимча равишда керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек, 2014 йил давомида “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва филиалда ташкил этилган ўқув машғулотлари ва малака ошириш курсларида жами 289 нафар ходимнинг ижтимоий-сиёсий, касбий билимлари ва кўникмалари оширилди.

**Меҳнат ва рағбат**

Моддий ва маънавий рағбат ходимларнинг ишга бўлган иштиёқини оширувчи асосий омиллардан биридир. Аъёнларга содиқ қолган ҳолда ўтган 2014 йил мобайнида ҳам филиал ходимлари фаолияти муносиб баҳоланди. Жумладан, Чортоқ туман почта алоқаси тармоғи Алихон алоқа бўлими почтачиси Маҳмадjon Йўлчибоев, Тўрақўрғон туман почта алоқаси тармоғи Тўрақўрғон-2 алоқа бўлими почтачиси Одилжон Раҳмоновлар “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирландилар.

Шунингдек, филиал раҳбарияти томонидан ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг маданий дам олишлари, саломатликларини тиклашлари, спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиб берилди. Айниқса, соҳа ходимларининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш масаласига жиддий ёндашилди. Чунончи, 2013 йили икки нафар ходимга уй-жой қуришлари учун “Алоқабанк”дан имтиёзли кредит олишларига амалий ёрдам берилган бўлса, ҳисобот йилида олти нафар ходимга ана шундай ёрдам кўрсатилди.

Бир сўз билан айтганда, филиал ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиш учун бир ёқадан бош чиқариб, ишга масъулият билан ёндашган ҳолда бошланган кенг миқёсли ўзгаришларни изчил давомад эттирмоқдалар.

У.МАМАТОВ,  
“Ўзбекистон почтаси” АЖ  
Наманган филиали ПАТЭБ бошлиғи



Мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи "COSCOM" МЧЖ қўшма корхонаси касаба уюшмаси ташкилоти Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмалари республика Кенгаши таркибида ўзида энг кўп аъзоларни бирлаштирган бошланғич ташкилот ҳисобланади. Яқинда ушбу хорижий компания касаба уюшмаси ташкилоти ўзининг кейинги беш йил, яъни 2010 йилнинг бошидан то жорий йил бошига қадар амалга оширган ишларини сарҳисоб қилди. Айтиш мумкинки, шу даврда бошланғич ташкилот фаолияти ҳар томонлама самарали бўлди.

Маълумки, UCELL бренди остида мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи "COSCOM" қўшма корхонаси нафақат республикада, балки Марказий Осиёда ҳам ўз мавқеига эга. Табиийки, мазкур нуфузли компания қошидаги касаба уюшмаси кўмитасининг ишлари ҳам шу даражада улкан ва салмоқли бўлиши даркор. Касаба уюшма фаоллари мана шу мезон асосида ўз фаолиятларини йўлга қўйишган.

Ҳисобот даврида нафақат компания фаолиятида, республика ва соҳа касаба уюшмаси ташкилотлари таркибида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва, ўз навбатида, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмалари республика Кенгаши Низомларига замон талаблари асосида тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилиб, қабул қилинди. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари учун ўз фаолиятларини кенг йўлга қўйиш мақсадида қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Масалан, бошланғич ташкилот ўз бюджетининг ўн фоизи миқдоридидаги маблағдан нафақат касаба уюшма аъзоларига, балки уларнинг яқин қариндошлари учун ҳам санаторий ва дам олиш уйларига йўланмалар олиб бериши мумкин.

Компания ходимлари учун барча меҳнат шартлари яратилган. Ходимлар соғлиғи тиббий суғурталанган, уларга, шунингдек, имтиёзли равишда алоқа хизматида, жумладан, интернет хизматидан фойдаланиш имконияти яратилган. Жамоа шартномасига кўра, ходимларга тўйлари, юбилей саналари ва шунга ўхшаш зарур ҳолатларда моддий ёрдам берилади.

Айни пайтда компания касаба кўмитасининг 501 нафар аъзоси бор. Ҳисобот даврининг 2013 йили самарали бўлди. Ўша йилнинг феврал-март ойларида олти минтақавий офисда умумий йиғилишлар ўтказилди ва касаба уюшмасининг Бухоро, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманганда касаба уюшма гуруҳлари ташкил қилиниб, уларга етакчилар сайланди. 120 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

2013 йили иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасида тузилган муҳим ҳужжат — Жамоа шартномаси қабул қилинди. Жамоа шартномаси тарафлар томонидан тизимли равишда бажарилиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, шу даврда санаторийларда соғлиқларини тиклаш учун ходимларга юздан ортиқ йўланмалар берилди. Ёки бўлмаса, ходимларнинг оила аъзолари билан Тошкент вилоятидаги дам олиш худудларига 70 маротаба бир-икки кунлик саёҳатлар уюштирилди. Бу сафарларда жами 1400 нафар киши-

## ИЗЛАГАН

# ИМЖОН ТОПАДИ



Касабақўм раиси Н.ИСҲОҚОВ (марказда) ҳамкасблари билан.

нинг иштироки таъминланди. Ўтган йилнинг июль-август ойларида компания ходимлари оила аъзолари билан "Электормангнит мослашув маркази" ДУКнинг Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги дам олиш зонасида мароқли ҳордиқ чикаришди. Икки юздан ортиқ ходим Самарқанд шаҳри зиёратига борди.

Касабақўм томонидан бош офис ва Бухоро, Навоий минтақавий офисларига стол тенниси жиҳозлари олиб берилди. Хусусан, Навоий ва Термиз минтақавий офислари ходимлари ёз ойларида мини-футбол билан шуғулланишларига шарт-шароит яратиб берилди. Умуман олганда, компания ходимларининг волейбол, мини-футбол ва тоғ алпинизми билан шуғулланишлари учун барча ташкилий ишлар амалга оширилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Бухоро ва Термиз минтақавий офислари ходимлари фарзандлари учун байрам тадбирлари уюштирилди. Шунингдек, мунтазам равишда маданий-оммавий тадбирларга, яъни концерт, спектаклларга чипталар берилиб, ходимларнинг маданий дам олишлари ташкил қилинди.

Мана шундай ибратли ишларни амалга оширишда компания касаба уюшмаси кўмитаси раиси Нусрат Исҳоқовнинг хизматлари катта. Нусрат ака иш берувчи билан касаба уюшмаси ўртасида мустақам ҳамкорликни йўлга қўйди. Шу ўринда Н.Исҳоқовнинг фаолиятига бир оз тўхталсак. Жорий йилнинг 3 март куни Нусрат ака муборак 60 ёшга тўлади. Табиатан ҳаракатчан, мудом изланишни яхши кўрадиган, ташкилий ишларда уқуви баланд бу инсон Тошкент Давлат политехника институти (ҳозирги Техника университети)да ўқиб, электрон техника муҳандиси



"Coscom" ходимлари тоғ алпинизмида.

дипломини олган. Талабалик йилларида ҳам факультет касабакўм раиси бўлган. Кейинчалик турли идоралару корхоналарда ишлаган кезларида ҳам ташкилий ишларни қўйилмақом уддаларди. Айниқса, Тошкент алоқа коллежидида қаттиққўл ва талабчан раҳбар Эркин Нуриддинов қўл остида турли вазифаларда ишлаб, зуваласи янада пишди. Шундан сўнг Яққасарой тумани ҳокимлигида ташкилий ишлар бўлими мудири вазифасида ишлади. 1997 йили эса "COSCOM" қўшма корхонасига маҳаллий кадр сифатида ишга таклиф этилди. Хорижий компанияда муҳандислик билан бирга жамоатчилик асосида касаба уюшмаси кўмитаси раислигини мана 18 йилдирки, шараф билан бажаряпти.

Нусрат ака турмуш ўртоғи Шоирахон опа билан икки ўғилни вояга етказишди. Фарҳод ва Бекзод ҳозирда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишади. Катта келин Нодирахон "Тошкент почтамати" филиалининг 144-алоқа бўлимини моҳирлик билан бошқаряпти. Кичик келин Тошкент кимё технологиялари институтининг бакалаврлик ва магистрлик йўналишларида ўқиган. Айни пайтда у фарзанд тарбияси билан машғул. Шириндан-шакар неваралар — Азамат, Азимжон, Амирхон ва Одилхонлар Исҳоқовлар оиласининг давомчиларидир.

— Одамларга нафим тегса, хурсанд бўламан, — дейди Нусрат ака. — Газета-журнал мутоласини, мумтоз кўшиқларни тинглашни ёқтираман. Айниқса, бўш вақт топдим дегунча, ҳовлимиздаги дарахт ва гулларни парваришлагга киришиб кетаман ва бундан ўзгача завқ оламан.

Ошқора ва кўтаринки кайфиятда ўтган ҳисобот-сйллов йиғилишида ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам тилга олиниб, уларни келгусида бартараф этиш, минтақавий офисларда касаба уюшма гуруҳлари ишларини янада жонлаштириш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Йиғилишда касабакўмнинг тўққиз нафар фаоли, раис этиб яна Нусрат Исҳоқов сайланди. Касаба уюшмаси ташкилотининг тавсиясига кўра, узоқ йиллик ва самарали меҳнатлари учун компания мутахассислари Байрам Жумагулов, Вячеслав Смирнов, Файзулло Кунгуров, Мирсобит Сангилов ва Меҳридин Муҳамедовлар Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмалари республика Кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишган эди. Йиғилишда ана шу мукофотлар эгаларига тантанали равишда топширилди. Шунингдек, касабакўшма гуруҳлари етакчилари Аваз Каримов, Рустам Бобоҷонов, Фарҳоджон Ҳасановларга фаолликлари ва "COSCOM" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона бош директори Тону Грюнбергга касабакўшма кўмитасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани, мустақам ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдирилди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ



Мини-футболчи "Coscom"чилар.

Ўзининг бутун ҳаёти, самарали меҳнат фаолиятини алоқа соҳасини ривожлантиришга бағишлаган кишилар ҳақида сўз боргудек бўлса, бухороликлар ҳеч иккиланмай Абдужаббор АТАМУРОДОВ номини алоҳида ҳурмат ва эъзоз билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас, албатта.

## ОЛТМИШИНЧИ БАҲОРГА ПЕШВОЗ

1977 йили Тошкент электро-техника алоқа институти (ҳозирги ТАТУ)ни электралоқа муҳандиси мутахассислиги бўйича битирган, назарий ва амалий жиҳатдан пухта тайёргарликка эга А.Атамуродов ўшандаёқ олий ўқув юртидаги устозлари ва курсдош дўстлари меҳрини қозongan, улар назарига тушган эди.

Дастлабки иш фаолиятини Бухоро шаҳар алоқа боғламаси лаборатория бўлимининг оддий муҳандиси сифатида бошлаган ёш мутахассис орадан кўп ўтмай, яъни 1981 йилдан шаҳар ва шаҳарлараро телефон станцияси ҳамда 3-АТС муҳандиси, кейинчалик ушбу алоқа боғламаси бошлигининг ўринбосари, 1983 йилдан эса вилоят алоқа техника ишлаб чиқариш бошқармаси электр алоқа бўлимининг бошлиги, 1984-1985 йилларда Когон туман алоқа боғламаси бошлиги, 1985-1991 йилларда вилоят алоқа техника ишлаб чиқариш бошқармаси электр алоқа бўлими бошлиги, кейинчалик тезкор бошқарув хизмати бошлиги лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди. 1991-2004 йилларда вилоят Давлат алоқа инспекцияси катта инспектори, ушбу инспекция бошлиги ўринбосари ва инспекция бошлиги лавозимларида ишлаганида ҳам ўзининг бутун ташкилотчилик маҳорати ва тажрибасидан тўлиқ фойдалана олди. 2004-2007 йилларда Абдужаббор ака Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бухоро вилояти

худудий бошқармаси бошлиги вазифасида ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳамкасблари ва юртдошлари ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Шундан сўнг у 2007-2009 йилларда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали директори, 2010-2011 йилларда "Бухоро Телеком" филиали меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси етакчи муҳандиси, 2011 йилдан 2015 йилгача Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Бухоро вилояти худудий бўлини маси инспектори вазифаларида иш юритди.

Қишлоқ жойларида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соҳа ходимлари билимини мустаҳкамлаш мақсадида А.Атамуродов томонидан норматив ҳужжатлар асосида тайёрланган "Қишлоқ телефон станциялари электромониторлари учун методик қўлланма" муҳим дастуриламал сифатида бугунги кунда ҳам кўпчилик томонидан эътироф этиляпти.

А.Атамуродов меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят худудий бошқармаси бошлиги бўлиб ишлаётган Жамшид Худоевров, шубошқарма бошлигининг ўринбосари Фахриддин Аллаев,

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Бухоро вилояти худудий бўлини маси бошлиги Бешим Ражабов, ушбу бўлини катта инспектори Моҳиғул Наврўзова, инспекторлардан Шуҳрат Сайфиддинов, Феруза Болтаева, Бобожон Розиков, Қоракўл ва Қоровулбозор телекоммуникациялар боғламалари бошлиқлари Шариф Бозоров ва Акбар Ашуров, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 2-АТС электромеханиги Хосият Сайфиева, радио телевидение узатиш маркази раҳбари Неъмат Садиев, "Ўзбекистон" почтаси" АЖ Бухоро филиали почта хавфсизлиги бўлими бошлиги Мурод Жумаев ва бошқалар устоз ўғитларига ҳамisha содиқ шогирдлардан ҳисобланадилар.

Бугун Абдужаббор Атамуродовни таниган ва яхши билган кишилар, соҳа ходимларининг қай бири билан суҳбатда бўлманг, уни илиқ сўзлар, санимий билан тилга олади. Эл-юрт олдидаги хизматларини қайта-қайта эътироф этишади. Алоқа соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб баҳоланган бўлиб, А.Атамуродов юқори ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан унга берилган кўкрак нишони ҳам муносиб мукофотдир. Қадраманимизнинг айтишича эса, энг олий мукофот — алоқа хизматида фойдаланувчиларнинг миннатдорликка тўла дил сўзларидир. Ҳаётининг 60-баҳорига энг эзгу орзу-умидлар билан пешвоз чиққан Абдужаббор Атамуродовни барча ёру дўстлари ва ҳамкасблари қатори қутлуг сана билан самимий муборакбод этамиз.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги муҳбири

## ПОЧТА ХИЗМАТИДА ЯНГИ ТИЗИМ

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиалида "Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида белгиланган устувор вазифалар, ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда почта алоқаси соҳасини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш борасида қилинган ишлар ҳақида сўз борди. Филиал ва унинг тармоқларида "Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими" дастури ишлаб турибди. Шунингдек, "Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати автоматлаштирилган тизими" дастури ҳам иш қўламани энгиллаштириб, аниқликка олиб келяпти. Эндиликда автоматлаштирилган тизимлар қаторига "Обуна" автоматлаштирилган тизими ҳам қўшилди. Йиғилишда иштирок этган шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларининг обуна бўлими йўриқчиларига тизимнинг афзалликлари тўғрисида тушунчалар берилди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири

## КОЛЛЕЖДА УЧРАШУВ

Зарбдор ахборот технологиялари касб-хунар коллежида Жиззах вилоят электромагнит мослашув хизмати ҳамкорлигида ота-оналар ва ўқувчилар иштирокида учрашув ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жиззах вилоят худудий бошқармаси бош мутахассиси Ҳакимжон Мамедов ва "Ўзбектелеком" АК ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ Жиззах филиаллари мутасаддилари иштирок этди. Учрашувда коллеж битирувчиларини иш жойлари билан таъминлаш, уларга хавфсиз шарт-шароитлар яратиш каби долзарб вазифалар муҳофаза қилинди. Вилоят электромагнит мослашув хизмати бошлиги Юсуф Жабборов ота-оналар саволларига жавоб берди.

**Норкул МАЪМУР,**  
"Xabar"нинг Жиззах вилоятидаги муҳбири

## ЭЪЛОН!

"KO'SHAR MULK SAVDO SERVIS" МЧЖ мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

2015 йил 31 март куни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2013 йил 17 июлдаги 10-1306/10376(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилаган "Zero Plus" МЧЖ кредиторларининг 2015 йил 5 февралдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 2015 йил 18 февралдаги 30-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 18 500 000 (ўн сақкиз миллион беш юз минг) сўм бўлган, 2011 йили ишлаб чиқарилган, "Нексия" СОНС русумли, д/р 01/ 056 VBA автомашинаси қўйилмоқда.

### Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш бўйича буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан расмий иш қўнлари 2015 йил 30 март кунгача соат 10.00дан 16.00га қадар қабул қилинади (13.00дан 14.00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вахил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси голибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закат тўлови учун реквизитлар: "KO'SHAR MULK SAVDO SERVIS" МЧЖ, ҳ/р: 2020800005028108001, АТ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 0 371 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома 006263.

Касаба уюшма ташкилотларида ўтказиладиган ҳисобот-сайловларининг аҳамияти шундаки, уларда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида рўйроқ гапирилади: ютуқлар қаторида камчиликлар бирма-бир кўрсатилади. "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали касаба уюшмаси кўмитасида бўлиб ўтган сайловда ҳам шундай бўлди — 2010-2014 йиллардаги фаолият таҳлил қилинди.

## ТАҲЛИЛ

Жорий йилнинг 1 феврал ҳолатига кўра филиал бошланғич касаба уюшмасининг 2902 нафар аъзоси бўлиб, 7та цех касаба уюшмаси кўмитасидан ташкил топган. 2014 йилнинг 24 декабрида иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси тасдиқлаган жадвалга асосан жорий йил январ ойида филиал тизимидаги боғламаларда цехкасаба уюшмаси кўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилди ва навбатдаги мuddатга янгилари сайланди. Филиал ва унинг тизимидаги боғламаларда янги иш ўринлари очилганлиги сабаб, 2015 йил 1 феврал ҳолатига касаба уюшмаси аъзолари сони 2010 йилдаги 2849дан 53нафарга кўпайди.

2010-2014 йиллар давомида филиал ходимларининг турли мавзудаги 186та ёзма аризаси ва шикоят кўриб чиқилди, 535та ҳуқуқий тусдаги оғзаки мурожаатлари қайд этилиб, улар ҳал этилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Цехкасаба уюшмаси кўмитаси раислари ва фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида бир қатор мавзуларда 35 марта ўқув машғулотлари, давра суҳбатлари, савол-жавоблар ўтказилди, шунингдек, меҳнат муносабатлари бўйича комиссия аъзолари учун 10 марта амалий семинар ташкил этилди.

Филиал маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган Битим

**Бугунги кунда филиал ходимларидан саккиз нафари "Ўз касбининг устаси", тўрт нафари "Мохир алоқачи" унвонлари соҳиби бўлиб, 36 нафари ташкилотнинг фахрий ёрлиги билан тақдирланган.**

орқали иш жойларидаги меҳнат шароитлари, меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси ҳолатини яхшилаш, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғу-сут ёки шарбат, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва иш жойларини шаходатлаш учун бир ярим миллиарддан ортиқ маблағ сарфланди.

665 нафар ходим юбилей санаси муносабати билан 197 млн. 76 минг сўм, 417 нафар ходим иш стажига кўпайишига қараб 75 млн. 839 минг сўм миқдорда рағбатлантирилди. Ўтган 2010-2014 йиллар давомида маданий-маърифий ишларни ташкил этиш борасида ижобий натижаларга эришилди. Ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари учун маданий тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, спорт-соғломлаштириш тадбирларига, болаларни соғломлаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, ҳисобот даврида 1922 нафар бола ёзги оромгоҳларда дам олдирилди. 2010-

2014 йиллар мобайнида 3775 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари касаба кўмитаси билан "Олтинкўл", "Кумушкон", "Сумча", "Марварид" оромгоҳларида дам олдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида юқорида қайд этилган ишлар билан бир қаторда, камчиликларга ҳам йўл қўйилгани таъкидланди. Жумладан, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар рўй бериши оқибатида етти ходим тан жароҳати олди. Уларга иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси томонидан белгиланган миқдорда зарар тўловлари тўланди. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш, касб касалликларининг олдини олиш, иш жойларида меҳнатни муҳофазаси қилиш ва иш шариоити ҳолатини яхшилаш, аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш мақсадида "Меҳнатни муҳофазаси қилиш куни"ни ўтказиш дастури ишлаб чиқилди. 2014 йил 6 ноябрида иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган Кўшма қарор-буйруқ тасдиқланди. Меҳнат жамоаларида ҳамда боғламаларда 2015 йил январ ойидан бошлаб меҳнат муҳофазасига доир амалга оширилиши лозим бўлган ишлар масъул вакиллар ва боғламалар цех кўмиталари раислари зиммасига юклатилди.

Ҳисобот йиғилишида касаба уюшмаси кўмитасининг янги аъзолари тасдиқланди. "ТШТТ" филиали Янгиобод телефон боғламаси бошлиғи бўлиб ишлаган Қўнқор Норчаев филиал бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси раиси этиб сайланди.

М.МИРКАМОЛОВА

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимизда инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларига бўлган эътибор Конституциямизда ҳам ўзининг ифодасини топган. Асосий қонунимизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари шундай ўлчов ва андозаки, у давлатга, унинг мавжуд ҳуқуқ тизимида, қонунчилигига, ҳуқуқий тартиботига берилган баҳо, уларнинг ривожланиш ва демократиявийлик даражаси, сифат кўрсаткичи ролини ўтамоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, бир томондан, ривожланган демократик давлатларда тўпланган ижобий тажриба, ютуқ ва сабақларни, иккинчи томондан эса ҳозирги замон қарама-қаршиликлари, мураккабликлари билан боғлиқ муаммо ва вазифаларни ўзида ифодалаган.

Инсон ҳуқуқлари ичиде аёл ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади. Юртимизда аёлга бўлган муносабат шарқона, исломий қадриятлар моҳиятига ҳам тўла мос келади. Шу муносабат билан нафақат қонунчилигимизда, балки амалда, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда эркаклар ва аёлларнинг тенглиги принципини тўла таъминлаш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Эркак ва аёлларнинг реал тенг ҳуқуқлигини таъминлашга эришиш учун аввало аёлларнинг ўзи ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари ва уни амалга ошира олишлари зарур.

Аёлларнинг ишга киришида эркаклар билан тенглигини таъминлашга қаратилган жиддий давлат чораларидан бири бу — ҳомилдор аёлни ишга қабул қилмаганлик учун мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий жавобгарлигидир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 224-моддасида ҳомилдор аёлларни ва боласи бор аёлларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар мустаҳкамланган, ушбу моддага мувофиқ "ҳомилдорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомилдор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин".

Аёлларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг таъсирли давлат чораларидан бири бу — ҳомилдорлиги ёки ёш боласи борлигини била туриб, уни ишга олишдан гайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш ҳаракати учун жиноий жавобгарликнинг ўрнатилганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148-моддаси шундай ҳаракатларни содир этганларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараварига миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланишни кўзда тутади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, аёл ҳуқуқларини таъминлашда жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада кўтариш, жумладан, аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини тўла билишлари ва амалда фойдалана олишлари эришиши, оналик ва болаликни муҳофазалашни янги сифат даражасига олиб чиқиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлашга нафақат давлат, балки бутун жамиятнинг вазифаси деб қарашни шакллантириш долзарб масала эканлигини яна бир таъкидлаш зарур.

Наргиза САЛИМОВА,  
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-Давлат  
нотариал идораси нотариуси

## ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади



Катта ўқитувчилар:

Олий математика — 1, Гуманитар фанлар — 3, Тизимли ва амалий дастураштириш — 1, Жисмоний тарбия — 1, Почта алоқаси технологиялари — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Ахборот-кўпүхона тизимлари — 1, Телерадиовиштириш тизимлари — 1, Ахборот технологиялари дастурий таъминоти — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичиде қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича таъин қилинган, доцентлар, фан номзодлари ва ёш мутахассислар каттавишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. тел: 238-64-06.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси жамоаси миллий кутубхона директори ўринбосари Алишер Ишматовга волида муҳтарамаси  
Абида АБДУЛЛАЕВАНING  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

**Ислом КАРИМОВ:** Энг юксак жасорат соҳибаси Зулфия Исроилованинг пок ёди, кутлуғ номи унинг издошлари ҳаёти ва ижодидан, эришаётган муваффақиятларидан бўй чўзиб, янгитдан гуркираб тураверади.

# Садоқат ва вафо ТИМСОЛИ

Ҳар йили баҳорнинг илк кунини Зулфияхоним таваллуд айёми мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланади.



Бугун дунё Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним тимсолида замонавий ўзбек шеъриятининг энг порлоқ саҳифаларини кўради. Европа, Осиё минбарларидан туриб, ўзбек аёлининг қалами ва сўзи кудратини кўрсата олган хассос шоиранинг тонг куйчиси деб ном олгани ҳам бежиз эмас, албатта. Бугунги кунни шеърсевар халқимиз, айниқса, устоз юрган ижод йўлидан қадам ташлашни орзулаётган издош қизлар чинакам байрам деб биладилар. Ҳар йили шоира таваллуд топган ушбу кунда унинг Тошкент шаҳрида жойлашган муҳташам ҳайкали пойи кучоқ-кучоқ гулларга — меҳр ва соғинч, эҳтиром ифодаларига тўлади.

Шоира номига муҳтарам Президентимизнинг катта эътирофи сифатида тасвир этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаб, қалам тебратаёт-

ган, ҳаётнинг қайси соҳасида бўлмасин, ўз иқтисод ва салоҳиятини намоиш этишга астойдил интилаётган бахтли қизларнинг кўксига порлаб турибди ва бундай шарафга интилаётган қизлар сафи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эса Зулфияхонимнинг бетақдор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасининг яна бир олижаноб эътирофи бўлди.


## Зулфия БАҲОР КЕЛИДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ

Салқин саҳарларда, бодом гулида,  
Бинафша лабиде, ерларда баҳор.  
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,  
Бахмал водийларда, қирларда баҳор.  
Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,  
Ўрик гулларининг эдинг мафтунни.  
Ҳар уйғонган куртук, ҳаёт берган каби  
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.  
Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,  
Сени излаб юрди, кезди сарсари.  
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,  
Ул ҳам ёш тўқди-ю, чекинди нари.  
Сени излар экан, бўлиб шаббода,  
Сен юрган боғларни қидириб чиқди.  
Ёзиб кўрсатай деб хусн-кўркини,  
Яшил қирғоқларни қидириб чиқди.  
...Гуллар ғунчасини этди чок-чок.  
Гул-у райҳонларнинг таралди атри,  
Самони қоплади майин бир қўшиқ.  
Бу қўшиқ нақадар ошно, яқин,  
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ.  
Баҳорги бурканган сен севган элда,  
Овозинг янгради жўшқин забардаст.  
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,  
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.  
Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,  
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!



Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишлаб [zulfiahonim.uz](http://zulfiahonim.uz) янги веб-сайти яратилди.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги ушбу сайт 10 бўлим, 20 рундан иборат бўлиб, унга мингга яқин маълумот, шоира шеърларининг матнлари, аудио ва видео материаллар, юздан ортик фотосуратлар жойлаштирилган. Зулфияхонимга замондош бўлган ижодкорларнинг шоира ҳақидаги мулоҳазалари, шогирдларининг ёрқин хотиралари, тасвирий, музыка санъати намуналарига кенг урин берилган.



## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,  
Алшер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,  
Сувон НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.  
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилигига таҳририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: [info@xabar.uz](mailto:info@xabar.uz)

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

Газета  
ҳафтанинг  
жума кунини  
чиқари

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонасида chop этилди.  
Мавзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-265 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз битими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 14253 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда  
226-47-80

Бухорода  
715-87-21

Гулистонда  
240-00-46

Жиззахда  
(94) 199-95-64

Навонийда  
225-91-10

Нукусда  
554-35-45

Самарқандда  
230-64-80

Термизда  
(91)235-88-68

Тошкентда  
288-40-66

Урағчда  
(90) 713-21-40

Фарғонада  
244-18-05

Қаршида  
(93)931-08-99